

# “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” | Термиз туманида мустақиллигимизнинг ўттиз икки йиллик шодиёналари кенг нишонланди



Термиз туманидаги «Марварид» дам олиш масканида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик шодиёналари кенг нишонланди. Тадбирда маҳаллий давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва жамоат ташкилотларининг тумандаги бўлинмалари раҳбар-ҳодимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбир аввалида туман ҳокими Шухрат Назаров сўзга чиқиб, туман аҳли ва тадбир иштирокчиларини мустақиллигимизнинг ўттиз икки йиллик байрами билан табриклади.

Байрам концерт дастурида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳосила Раҳимова ва эстрада хонандаси Жасурбек Мавлоновлар ижро этган куй-қўшиқлар ҳамда туман маданият бўлими томонидан намоиш этилган концерт дастури иштирокичларга байрамона кайфият бағишлади.